2015 йил 8 сентябрь, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 185 (12.998)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Аъло Абдуллаев олган сурат

## КУРСАНТЛАР ҚАСАМЁД ҚИЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга кирган курсантлар Ватанимизга содиқлик қасамёдини қабул қилди.***

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси З.Дўсанов, Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Ф.Дадахўжаев ва бошқалар миллий божхона хизмати фаолияти мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга қаратилганини таъкидлади. Мустақиллик йилларида божхона органларини замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали мутахассислар ва ёш кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда ушбу вазифа 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ташкил этилган ихтисослаштирилган олий ўқув юрти – Олий ҳарбий божхона институти томонидан муваффақиятли ҳал этилмоқда.

Курсантлар фанларни чуқур ўрганиши учун барча шароитлар яратилган ўн битта кафедрада божхона иши ва юриспруденция йўналишлари бўйича билим олмоқда. Ўқув жараёни интерфаол услуб ва техник воситаларни кенг қўллаш, ўқув конференциялари, божхона органларига бориб машғулотлар ўтказиш, семинар-мунозаралар уюштиришни кўзда тутади. Айниқса, чет тилларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, институтда замонавий ахборот-ресурс маркази ҳам фаолият кўрсатмоқда.

– Орзуим – божхона органларида хизмат қилишдир, – дейди ЎзА мухбирига биринчи босқич курсанти Азизжон Ризаев. – Зеро, Ватанимиз иқтисодиётининг барқарорлиги, халқимиз фаровонлигини таъминлаш кўп жиҳатдан божхоначиларнинг огоҳлиги, маҳорати ва фидойилигига боғлиқ. Институтда биз малакали мутахассис бўлишимиз учун барча зарур шароитлар яратилган.

**М.ҚАРШИБОЕВ**

## ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

***Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Хитой давлат тараққиёт банки ўртасида молиявий ҳамкорлик масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари А.Аҳмадхўжаев, Хитой давлат тараққиёт банки департамент директори Ци Ляньбинь ва бошқалар Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида молия-банк тизимини ислоҳ этишга қаратилаётган изчил чора-тадбирлар халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш ва уларнинг маблағларини мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон банк тизими фаолияти барқарор бўлиб, қатъий белгиланган халқаро стандартларга жавоб беради. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги Қарори молия-банк тизими барқарорлигини ошириш, инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришда дастуриламал бўлаётир.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳам чет эл сармоядорларининг мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотларда қатнашишга бўлган қизиқишини ошириш, уларнинг инвестицияларини ва замонавий технологияларни жалб қилиш орқали хорижий банклар ва халқаро молия муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шундай ҳамкорлик доирасида Хитой давлат тараққиёт банки, Япония халқаро ҳамкорлик банки, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Банклараро бирлашмаси ва бошқа қатор халқаро молия муассасалари билан ўзаро алоқалар ўрнатилган.

– Мамлакатингизда тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш доирасида Ўзбекистон Миллий банки билан 2006 йилдан ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз, – дейди ЎзА мухбирига Хитой давлат тараққиёт банкининг бўлим бошлиғи Ли Еньион. – Ўтган йиллар давомида бешта кредит йўналишида 231,8 миллион долларлик 373 лойиҳа амалга оширилди. Жорий йилда эса 150 миллион долларлик битим имзоланди.

Тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида чорвачилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи мини-технологиялар харид қилиш, асаларичилик, балиқчилик, паррандачилик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини, тадбиркор аёллар, оилавий тадбиркорлар ҳамда коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш каби йўналишлар бўйича лойиҳаларни молиялаштириш борасида ҳамкорликдаги амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳам маълумот берилди.

**Сайёра ШОЕВА**

## ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

***Пойтахтимизда МДҲ давлатлари гепатопанкреатобилиар жарроҳлар уюшмасининг XXII халқаро конгресси ўз ишини бошлади.***

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази, МДҲ давлатлари гепатопанкреатобилиар жарроҳлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Хитой, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Россия, Франция каби йигирмага яқин мамлакатдан олим, шифокор ва ёш тадқиқотчилар, шунингдек, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази директори Феруз Назиров, МДҲ давлатлари гепатопанкреатобилиар жарроҳлар уюшмаси президенти Владимир Вишневский ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифатини юксалтириш, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг билим ва тажрибасини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 1998 йил 10 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони асосида соҳа тубдан такомиллаштирилди. Касалликларнинг олдини олиш, самарали даволаш, инсонларнинг умрини узайтиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил давом эттирилмоқда.

Бу борада В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказининг алоҳида ўрни бор. Ошқозон-ичак йўллари, ўт қопи, жигар, ўпка, умуртқа, юрак ва томир касалликларини даволашга ихтисослашган ушбу марказ минтақадаги етакчи тиббиёт муассасаси ҳисобланади. Жарроҳлик марказида АҚШ, Италия, Малайзия, Россия, Франция, Хитой каби давлатларнинг етакчи клиникалари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Марказ мутахассислари томонидан жигарда ўсма ривожланиши, катта ҳажмдаги ва панкреатодуоденал резекция, ўт йўлларида юзага келган ўсма ва заҳарланишдан шикастланиш ҳолатларида қайта тикланиш аралашуви сингари ноёб жарроҳлик операциялари амалиётга жорий этилди. Жигар циррози ва портал гипертензия асоратларини жарроҳлик йўли билан даволашдаги ўзига хос услублар ишлаб чиқилди. Қизилўнгач ва ошқозон касалликларининг ривожланган ва энди авж олаётган ҳолатларида қайта тиклаш каби кўплаб операциялар амалга оширилди.

– Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасига устувор аҳамият қаратилаётгани ўз самараларини бермоқда, – дейди Франциянинг Жарроҳлар миллий академияси фахрий президенти, Гепатобилиар жарроҳлик институти директори, Европа жарроҳлар уюшмаси асосчиси ва президенти Генри Бисмут. – Бугунги кунда гепатопанкреатобилиар жарроҳликни жаҳон андозалари даражасида амалга ошириш ва одамларга соғлом ҳаёт бахш этишга эришилмоқда. Мазкур анжуман Ўзбекистон ва дунё мамлакатларида гепатопанкреатобилиар жарроҳлик йўналишида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни таҳлил қилиш, бу борада янги усулларни ишлаб чиқиш юзасидан ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини бераётгани билан аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда касалликларни даволаш билан бирга аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, хасталикларнинг олдини олиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, кўплаб касалликларнинг келиб чиқишига нотўғри овқатланиш сабаб бўлар экан. Хусусан, ошқозон-ичак ва юрак-қон томир касалликлари, семизлик, камқонлик, қандли диабет, жигар, буйрак хасталикларининг пайдо бўлишида ушбу муаммо асосий сабабдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори тўғри ва рационал овқатланиш маданиятини юксалтириш, бу орқали турли касалликларнинг олдини олиш ва аҳоли саломатлигини асрашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистон тиббиётида эришилаётган ютуқларни юқори баҳолар экан, ўтган даврда мамлакатимизда тиббий хизматнинг жаҳон андозалари даражасидаги ўзига хос миллий модели яратилганини таъкидлади, соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараларини юқори баҳолади.

– Мазкур анжуман Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги, хусусан, гепатопанкреатобилиар жарроҳлик йўналишидаги тажрибаси билан яқиндан танишиш, турли мамлакатлардан келган мутахассислар билан фикр алмашиш имконини бераётир, – дейди Жанубий Кореянинг "Asan" тиббиёт маркази профессори Жунг Донг Хван. – Анжуман доирасида мамлакатингизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш борасида ғоят салмоқли ишлар амалга оширилаётганига амин бўлдик. Ўзбекистонда аҳолининг барча қатламига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш кўлами тобора кенгайиб бораётгани эътиборга молик. Мамлакатингизнинг бу йўналишдаги ютуқларини чуқур ўрганиш ва қўллаш юксак самаралар бераётир.

Конгресс доирасида мустақиллик йилларида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, жумладан, гепатология ва панкреатология соҳаларида эришилган ютуқларга бағишлаб ташкил этилган кўргазма ва ҳужжатли фильм намойиши тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

– Ўзбекистонда тиббиёт тизимини ривожлантиришнинг энг тўғри механизмлари ишлаб чиқилганини ва бу борада катта муваффақиятларга эришилаётганини алоҳида таъкидлашни истардим, – дейди "Indraprastha Apollo" госпиталининг Жигар ва ўт йўли касалликларини ўрганиш маркази директори Субаш Гупта (Ҳиндистон). – Мамлакатингизда гепатопанкреатобилиар жарроҳликни такомиллаштириш, ушбу тизимга юқори технологияларни жалб этиш, оператив муолажаларни олиб бориш борасида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор. Ўзбекистон билан бу йўналишдаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ниятидамиз.

Конгресс мажлисларида мамлакатимиз ва дунёда гепатология ва панкреатология соҳаларида амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган натижалар, истиқболдаги вазифалар ҳақида сўз юритилади.

Анжуманнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Тошкент вилоятида "Нима қилдик Ватан учун?" ҳамда "Биз, ёшлар гиёҳвандлик ва терроризмга қаршимиз!" шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль доирасида ташкил этилган кўргазмаларда ёшларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ҳунармандлик, фан, таълим, маданият, спорт соҳаларида эришган ютуқлари намойиш этилди.**

**• Фарғона вилоятининг шаҳар ва туманларида вилоят ҳокимлиги, "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлимлари ҳамкорлигида "Кексаси бор хонадон – файзли хонадон" ҳамда "Кексаларнинг дуосини олайлик" ижтимоий акциялари ўтказилмоқда.**

**• Андижонда "Тадбиркорлик ва фермерлик ривожи – барқарор иқтисодиёт гарови" мавзусида ёшлар форуми бўлиб ўтди. Тадбир доирасида "Ёш фермер" кўрик-танловининг Андижон вилояти босқичи ғолиблари тақдирланди.**

**• Наманган вилояти Норин туманида Ёшлар маркази фойдаланишга топширилди. Марказда рус ва инглиз тилларини ўргатадиган махсус курслар, компьютер саводхонлиги тўгараги, ёш тадбиркорлар учун маслаҳат маркази, ёш оила маслаҳатхонаси ва кутубхона каби ўнга яқин тўгарак ва бўлимлар ёшлар ихтиёрида. 150 ўринга мўлжалланган зал турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш имконини беради.**

### ЖАҲОНДА

**• "Трансаэро" авиакомпанияси "Аэрофлот" авиаташувчисининг оператив бошқарувига ўтди. "Аэрофлот" давлат компанияси 1 сентябрь куни Россиядаги энг катта хусусий авиакомпания — "Трансаэро"нинг 75 фоиз ва яна битта акциясини бир рублга сотиб олмоқчи эканлигини маълум қилган эди.**

**• Янги iPhone 7 смартфони "аждоди"дан сезиларли юпқа бўлади. Бунда гап 6-6,5 миллиметр атрофидаги қалинлик ҳақида бормоқда. Агар мазкур тахминлар тасдиқланадиган бўлса, iPhoneнинг янги авлоди қалинлик жиҳатдан iPad Air 2 ва iPod Touchнинг энг замонавий версияларига етиб олади — мазкур қурилмаларнинг қалинлиги 6 миллиметрдан бироз кўпроқ. Таққослаш учун, айни вақтда сотилаётган iPhone 6 ва iPhone 6 Plus смартфонларининг қалинлиги мос равишда 6,9 ва 7,1 миллиметрга тенг.**

**• Европада дунёнинг етакчи ишлаб чиқарувчиларига тегишли тўққизта янги модель иштирокида кенг кўламли краш-тестлар кетма-кетлиги ўтказилди. Хавфсизлик тизимлари танловида премиум классдаги янги катта йўлтанламаслар ғолиб чиқди. Янги Volvo XC90 эса ҳайдовчи ва йўловчи ҳимояланганлиги бўйича тарихдаги энг яхши натижани кўрсатди.**

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАЁТИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИНИНГ САҲИФАСИ

***Пойтахтимизда Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг VII ҳисобот-сайлов конференцияси ўтказилди.***




## ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

Унда Кенгаш раиси Сайфулла Аҳмедовнинг кенгашнинг ҳисобот давридаги фаолияти ҳамда пойтахтдаги касаба уюшма ташкилотларининг келгусидаги вазифалари тўғрисидаги маърузаси тингланди.

Юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг тобора чуқурлашиб бораётгани том маънода халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга ҳамда мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилмоқда.

— Президентимиз олиб бораётган оқилона сиёсат, қабул қилинаётган қонун, Фармон ва қарорлар, қолаверса, амалда қўлланаётган турли имтиёзлар, асосан меҳнат аҳлига моддий ва маънавий кўмак бериш, уларнинг саломатлиги ва дам олиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, меҳнат қонунлари ва жамоа шартномаларининг ижросини мунтазам назорат қилиш, жамоатчилик онгида ўзини ўзи бошқариш кўникмаларини тарбиялаш, ишчи ва хизматчиларнинг ташаббус ва интилишларини рағбатлантириш Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг ҳам асосий вазифалари ҳисобланади, — дейди Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси Сайфулла Аҳмедов. — Қолаверса, "Инсонга наф келтириш – олий бахт" деган ғоя ҳаракат дастуримизнинг негизини ташкил этади. Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатаси ўртасида Бош келишувнинг имзоланиши касаба уюшма ташкилотларига янги истиқболларни белгилаб берди.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши тизимида 671 минг 896 нафар аъзоларни бирлаштирган 4 минг 133 та бошланғич ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда, аъзолардан 320 минг 790 нафари аёлларни ташкил этади.

Ҳисобот даврида йилдан йилга ўсиш кузатилиб, 1937 корхона ва ташкилотларнинг касаба уюшмаларига аъзо бўлишига эришилди, уларда меҳнат қилаётган аъзолар сони 51 минг 348 нафарга етди.

Шаҳар корхона ва ташкилотларида қабул қилинган жамоа шартномалари орқали ҳар бир ходимга 2010 йилда ўртача ҳисобда 633,5 минг сўм маблағ сарфланган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 1,9 млн. сўмни ташкил этиб, ҳар бир ходимга сарфланган маблағ 3 баробар миқдорида ошди.

Президентимиз томонидан йилларнинг "Баркамол авлод йили", "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили", "Мустаҳкам оила йили", "Обод турмуш йили", "Соғлом бола йили" деб эълон қилиниши муносабати билан Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши Давлат дастурларини амалга татбиқ этишга йўналтирилган чора-тадбирларини белгилади. Шу билан бир қаторда, барча корхона ва ташкилотларга давлат дастурлари доирасида жамоа шартномаларига қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар киритилиб, тармоқ тизимдаги корхоналарга алоқадор ижтимоий муҳофазага муҳтож, боқувчисини йўқотган 12 минг 615 та оилаларнинг фарзандлари учун 1 минг 698 та корхонада ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилиш харажатлари қопланиб, бунга корхоналар ҳисобидан 538,2 млн. сўм миқдорида маблағ сарфланди.

Шаҳардаги 22 минг 364 та ижтимоий муҳофазага муҳтож ёш оилалар вакилларига 3 минг 18 та корхоналар томонидан 811 млн. 600 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар 3 минг 762 нафар оналарга 1 минг 127 та корхонада 920 млн. 84 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 1 минг 382 нафар талаба учун 260 та корхона томонидан контракт пулларининг бир қисми тўлаб берилди. Бу мақсадларга 2 млрд. 443 млн. 642 минг сўм сарфланди.

Ҳисобот даврида жамоа шартномаларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича 60 минг 921 та тадбирлар бажарилиб, уларнинг бажарилишига сарфланган маблағ 31 млрд. 100 млн. сўмни ташкил қилди, шу давр мобайнида 3 минг 293 та касаба уюшма ташкилотларнинг фаолияти ўрганилди. 8 минг 227 та меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонун, қоида ва меъёрларнинг бузилишлари аниқланиб, касаба уюшмалари аралашувидан сўнг улар бартараф этилди, 589 нафар оила аъзоларига ҳуқуқий-маслаҳатли ёрдамлар берилди.

Маъруза юзасидан муҳокамаларда сўзга чиққан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг сиёсий шарҳловчиси Қобилбек Каримбеков, "Пахтасаноат илмий маркази" очиқ акционерлик жамиятининг бўлим раҳбари Нажмиддин Камолов, "УйжойЛИТИ" акционерлик жамияти меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўлимининг етакчи мутахассиси Фарида Азимова, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Шайхонтоҳур туман кенгаши раиси Дилнора Ўлмасова ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раислигига кейинги муддатга ҳам Сайфулла Аҳмедов сайланди. Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг навбатдаги Қурултойига делегатлар ҳам сайланди.

Конференцияда сўзга чиққанлар касаба уюшмаси ташкилотларининг келгусидаги фаолияти юзасидан аниқ тавсия ва таклифларини бердилар. Кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Зиёда РАСУЛОВА**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

## ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — АМАЛДА

***Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши томонидан Ўзбек миллий академик драма театрида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.***



Таъкидлаш жоизки, юртимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ёшу улуғ инсонларни эъзозлаш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш, соғлигини мустаҳкамлаш, ёшлар келажагини муносиб шарт-шароитлар доирасида таъминлаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан "Касаба уюшмалари — болаларга", "Касаба уюшмалари — фахрийларга" сингари кўплаб хайрия акциялари ўтказиб келинмоқда.

— Мустақиллик халқимизга фаровон, бахтли ҳаёт, ҳар бир соҳада чексиз имкониятларни инъом этди. Фуқароларимизнинг эзгу мақсадларини рўёбга чиқаришда, уларни қўллаб-қувватлашда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг матбуот хизмати раҳбари Муҳаббат Ўрмонбекова. — Кенгаш томонидан Мустақиллик байрами муносабати билан мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли учун маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. "Мурувват", "Саховат" уйларида яшаётган инсонлар ҳолидан хабар олиниб, манзилли кўмак берилди. Келажак авлодни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, соғликларини ҳимоялаш ва комил инсонлар этиб тарбиялаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига, кам таъминланган ва ногирон болаларга ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилиниб, чет тилларни ўрганишларида кўмаклашилмоқда.

Дарҳақиқат, истиқлол байрами муносабати билан ва "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида пойтахтимиздаги ёлғиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож кексалар ҳолидан хабар олиниб, 212 та оилага маиший электр жиҳозлари совға қилинди.

Шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан эса Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари тизимида хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар ходимлари оилаларига моддий ёрдам кўрсатилди. "Касаба уюшмалари — талабаларга" акцияси доирасида олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган 41 нафар кам таъминланган иқтидорли талабалар Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан таъсис этилган стипендияларни олиш имкониятига эга бўлди.

— Давлатимиз томонидан биз ёшларга улкан имкониятлар яратилмоқда, — дейди Тошкент Ахборот технологиялари университети талабаси Алишер Иброҳимов. – Ўзим сингари 41 нафар тенгдошим федерациянинг махсус стипендиялари билан таъминланди. Бундан беҳад мамнунмиз. Келажакда шу муқаддас она Ватанимизга муносиб фарзандлар бўлиб хизмат қиламиз.

Тадбир сўнгида Ўзбек Миллий академик драма театри ижодкорлари томонидан тайёрланган концерт дастури ҳамда спектакль намойиш қилинди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**
**СУРАТДА: тадбирдан лавҳа**

Фаолларимиз

## ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ

***Бугун меҳнат фаолиятини касаба уюшмалари соҳасида амалга ошириб, меҳнаткашларнинг ижтимоий ва маънавий ҳимояси йўлида сидқидилдан хизмат кўрсатган инсонлар ҳар қандай таҳсинга лойиқ. Ўзбекистон Металлургия ва машинасозлик саноати касаба уюшмаси республика кенгашининг масъул ташкилотчиси Шоикром Исроилов ҳам шундай заҳматкаш инсонлар сирасига киради.***

Ш.Исроилов меҳнат фаолиятини 1975 йили "Тошкент асбобсозлик заводи"да бошлади. 1985 йилдан касаба уюшмалари тизимида хизмат қилиб келмоқда. 1985 йилдан 1988 йилгача "Тошкент асбобсозлик заводи"нинг энг йирик цехида касаба уюшма раиси, 1988 йилда ушбу заводнинг касаба уюшма қўмитаси раиси ўринбосари ва 1989 йилнинг сентябрь ойидан "Тошкент Асбобсозлик заводи" касаба уюшма қўмитаси раиси вазифасига сайланди. Бошланғич ташкилотга раислик даврида завод ишчи-хизматчиларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда қатор ижобий ишларни амалга оширди.

1993 йилнинг ноябрь ойида касаба уюшмалари тизимида такомиллаштириш жараёни натижасида 4 та соҳа вилоят кенгаши бирлаштирилиб, Машинасозлик саноати Тошкент шаҳар қўмитаси ташкил этилди ва бу қўмитага Ш.Исроилов раислик вазифасига тайинланди. Ушбу даврдаги меҳнат фаолияти мобайнида 4 та соҳага қарашли бўлган корхона касаба уюшма қўмиталарини бирлаштириш, уларни янги марраларга йўналтириш, соҳага қарашли корхоналарнинг болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, дам олиш уйлари, санаторий-профилакторийлари, маданият уйларининг соҳа меҳнаткашларига тўлақонлик хизмат қилишини таъминлашда жонбозлик кўрсатди ва очиқкўнгиллиги, меҳнатсеварлиги, ташкилотчилиги билан жамоатчилик эътиборига сазовор бўлди. Унинг ҳаётий ва бошланғич ташкилотдаги орттирган катта меҳнат тажрибаси саксон мингдан ортиқ касаба уюшма аъзоси бўлган тармоқ меҳнаткашларининг ижтимоий-иқтисодий ҳақ-ҳуқуқларини, меҳнат муҳофазасини ташкил этишида, жойларда жамоа шартномалари лойиҳаларини тузишда, меҳнаткашларни соғломлаштиришда, корхоналарда маънавий тарғибот ва спорт ишларини ривожлантиришда ўз самарасини берди.

Касаба уюшмалари тизимини тубдан такомиллаштириш борасида бошланган 2012 йилги ислоҳотларни амалга ошириш юзасидан тузилган ишчи комиссияси аъзоси сифатида бой тажрибасини ишга солиб фойдали таклифларни киритди ва уларни амалга оширишда фаол иштирок этди. 2013 йилдан буён Шоикром ака Ўзбекистон Металлургия ва машинасозлик саноати Касаба уюшмаси республика Кенгашининг масъул ташкилотчиси.

Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон ҳукумати томонидан қабул қилинган Конвенциялари талабларининг бажарилишини амалга ошириш мақсадида ташкил қилинган Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзоси ва мониторинг олиб борувчи гуруҳ раҳбари сифатида 2013-2014 йиллари Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида фаолият олиб борди ва ХМТнинг 182-138 Конвенцияларининг тўлақонли бажарилишига ўз ҳиссасини қўшди.

Фаол ташкилотчи ўз меҳнат фаолияти давомида Ҳамдўстлик давлатлари ва чет эл касаба уюшмалари ҳаракати фаолияти билан танишиш ва тажриба алмашиш мақсадида уюштирилган хизмат сафарларида гуруҳ раҳбари ёки аъзоси сифатида иштирок этди ва Ўзбекистонда олиб борилаётган одилона сиёсат, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва унинг аъзо ташкилотларининг ижобий ишларини тарғиб қилишда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ш.Исроилов ўзи истиқомат қилаётган "Иқбол" маҳалла фуқаролар йиғини раиси ўринбосари сифатида ҳам жамоатчилик ишларини фаол олиб бормоқда. У намунали оила бошлиғи — 4 нафар фарзанднинг отаси ва 7 нафар набиранинг буваси.

Шоикром Исроилов меҳнатларининг самараси ўлароқ Мустақиллигимизнинг бир ва йигирма йиллиги нишонлари, давлат органлари ва касаба уюшмаси юқори ташкилотларининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган. Яқинда Мустақиллигимизнинг кутлуғ йигирма тўрт йиллиги арафасида у Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан фаол, изланувчан ва ташаббускор, юрт равнақи, инсон манфаатлари йўлида самарали меҳнат қилаётган фидойи ходимлар қатори "Эҳтиром" нишони билан тақдирланди. Биз ташаббускор инсон, масъул ташкилотчи Ш.Исроиловга келгусидаги фаолиятида ҳам ютуқлар тилаб қоламиз.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

***Меҳнаткашларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини амалдаги қонун талабларига мувофиқ равишда ҳимоя қилиш касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.***

## АҲОЛИ МАНФААТЛАРИГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг юридик бўлими фуқароларнинг меҳнатга оид турли мавзудаги ариза ҳамда шикоятлари билан шуғулланади. Фуқароларни қабул қилади ва оғзаки мурожаатлари билан ишлайди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг "Ишонч телефони"га 60 га яқин мурожаатлар келиб тушган.

Ушбу қўнғироқларга ҳар томонлама асосланган юридик маслаҳатлар берилди. Бўлим мутахассислари меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг юридик билимларини ошириш мақсадида турли мавзудаги ўқув-семинарларда иштирок этдилар, зарур меъёрий ҳужжатлар намуналарини тақдим қилдилар. Жорий йилда "Ҳудудий ривожланишга доир ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга оширишда ижтимоий шерикликнинг ўрни" мавзусида минтақавий семинар ўтказилди. Бу семинарда Тошкент шаҳридаги давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди ҳамда унда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Корхона ва ташкилотларда фаолият олиб бораётган меҳнаткашларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида интернетдаги toshkasaba.uz веб-сайтида, шу билан бирга оммавий ахборот воситаларида меҳнат қонунчилигига бағишланган мақолалар мунтазам бериб борилмоқда.

Бўлим мутахассислари жамоа шартномаларининг лойиҳаларини экспертиза қилишда ҳам иштирок этиб келишади. Янги қабул қилинаётган қонун лойиҳаларига ўз таклифларини берадилар. Масалан, юридик бўлим томонидан "Касаба уюшмалари тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳририга, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунга, "16 ёшгача бўлган болаларни ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида"ги Низомга таклиф ва мулоҳазалари билдириб ўтилди.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг toshkasaba.uz сайтидаги меҳнат қонунига тегишли норматив ҳужжатлардан корхона, ташкилот, муассаса раҳбарлари ўз фаолиятларида фойдаланиш имкониятларига эгадирлар. Ушбу сайтда норматив ҳужжатлар, турли бўлимлар алоҳида ҳолда жойлаштирилган: "Меҳнат шартномаси", "Иш вақти ва таътиллар", "Меҳнат муҳофазаси" йўналишлари шулар жумласидандир.

Мазкур сайтда санаторий ва дам олиш уйларига йўлланмалар, касаба уюшмаларига сайловлар ва ҳисоботлар мавзуси ҳам ўрин олган. Бундан ташқари "Долзарб масалалар" бурчаги ташкил қилинган бўлиб, бу ерда бизга энг кўп тушадиган саволлар ва шу куннинг долзарб масалаларига жавоблар берилади.

Бу ўз навбатида меҳнаткашлар ўртасида ҳуқуқий саводхонликнинг ўсишига, меҳнат қонунчилигига риоя этиш, ишчи-хизматчиларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

**Икром ЯКУБОВ,**
**Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши юридик бўлими мудири**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиш мумкинми? Шу ҳақда маълумот берсангиз.**

**О.Назарова,**
**Чилонзор тумани**

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ҳамда ёшларга доир қонун ҳужжатларида вояга етмаган шахсларни меҳнатга жалб қилиш ва улар меҳнатидан фойдаланишнинг қатъий тартиб-қоидалари белгилаб қўйилган.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда катта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳуқуқда бўладилар, меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида улар меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган қўшимча имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан шу тоифа ходимларнинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шароити ноқулай ишларда, ер ости ишларида ва бошқа ишларда фойдаланиш тақиқланади.

Шунингдек, вояга етмаган шахсларнинг белгилаб қўйилган нормадан ортиқ оғир юк кўтаришлари ва ташишларига йўл қўйилмайди.

Қолаверса, Меҳнат кодексининг тегишли бандларида белгиланганидек, иш вақтининг муддати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан, ўн ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар (таътил даврида ишлаётган ўн тўртдан ўн олти ёшгача бўлган ўқувчилар) учун эса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади.

Ўқишдан бўш вақтларида ишлаётган ўқувчиларнинг ўқув йили давомидаги иш вақти муддати ушбу модданинг биринчи қисмида тегишли ёшдаги шахслар учун назарда тутилган иш вақти энг кўп муддатининг ярмидан ортиб кетиши мумкин эмас.

**Васила КАРИМОВА,**
**Хосият ИСАЕВА,**
**Чилонзор туманидаги 1-сонли ДНИ нотариуслари**

* * *

**Мерос ва ворисликнинг ҳуқуқий жиҳатлари ҳақида маълумот берсангиз.**

**О.Ҳамраев,**
**Бектемир тумани**

